



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 - yil 25 - dekabr

213-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

Пастдарғом тумани “Фурқат” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 2 та 5 қаватли 2-3 хонали уй-жойлар қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6243-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 543-сонли қарори талабларига мувофиқ, Пастдарғом тумани “Фурқат” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 2 та 5 қаватли 2-3 хонали уй-жойлар қурилишини амалга ошириш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси масъулияти чекланган жамияти Самарқанд вилояти филиали буюртмачилигида Пастдарғом тумани “Фурқат” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 2 та 5 қаватли 2-3 хонали уй-жойлар қуриш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармасига қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,32 гектар ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратилсин.

2. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси масъулияти чекланган жамияти Самарқанд вилояти филиали (С.Худойбердиев), вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Самарқанд филиали (Ш.Илмуратов) ва вилоят қурилишда

тендер савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази (С.Гулямов):

мазкур объектларнинг лойиҳаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатларини тегишли ташкилотларнинг техник шартлари ҳамда хулосаларида белгиланган талаблар асосида ўз муддатида ишлаб чиқиб, тасдиқланишини;

экспертиза хулосаларини олиш ва тендер савдолари ўтказилишини таъминласин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов) вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), “ЎзГАШҚЛИТИ” ДУК Самарқанд филиали (Ғ.Бекбоев) билан биргаликда ажратилган ер майдонлари чегараларини жойида (натурада) белгиласин.

4. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси масъулияти чекланган жамияти Самарқанд вилояти филиали (С.Худойбердиев), тегишли лойиҳа ташкилоти (лойиҳа муаллифи), вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (Х.Жабборов):

мазкур объектнинг қурилиш-монтаж ишларида қурилиш сифати юзасидан техник, муаллифлик ва давлат назорати қатъий олиб борилишини;

объектда белгиланган қурилиш-монтаж ишларини тасдиқланган режа-график асосида бажарилишини ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

5. Давлат кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Худойкулов), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов), Пастдарғом тумани ҳокимлиги (Ш.Худойбердиев) билан биргаликда мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини ҳамда туман ер ҳисоботи (баланси)га тегишли ўзгартириш киритилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов